

## TRADITION AND ORIGINALITY IN ALISHER NAVOI'S EPIC :FARHAD AND SHIRIN"

Shakhnoza Mukhitdinovna Rakhmonova

Alisher Navoi named state Tashkent

Uzbek tili and University literature

doctoral studies, PhD

[shahnoza.raxmonova86@gmail.com](mailto:shahnoza.raxmonova86@gmail.com)

**Аннотация:** мазкур мақолада Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида вазн ва мавзу мутаносиблиги, унда истифода этилган номаларнинг вазн хусусиятлари таҳлил қилинган. Ўрни билан адабиётиносликдаги мавжуд фикрларга муносабат билдирилди.

**Калит сўзлар:** нома, жанр, вазн, аруз, маснавий, ҳазаж.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин”и “Хамса” йўналишидаги достон ҳисобланади. “Навоийгача бу мавзу “Хусрав ва Ширин” шаклида машҳур эди. Афсонанинг бош қаҳрамони Хусрав Парвез аслида тарихий шахс бўлиб, милодий 590 йилда таҳтга чиқиб, 628 йилда ўз ўғли Шеруянинг буйруғи билан ўлдирилган Эрон шоҳидир. Унинг оромий ёки арман қизи Ширинга бўлган муҳаббати кўпгина тарихий асарларда қайд этилган”<sup>1</sup>. Хусрав Парвез ҳақида Алишер Навоийнинг ўзи ҳам “Тарихи мулуки Ажам” асарининг Сосонийлар тарихига бағишлиланган қисмида маълумот келтирилади. Демакки, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асари Хусрав Парвез тарихи билан ҳам, у ҳақида яратилган ривоят ва афсоналар билан ҳам яқиндан таниш бўлганини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони ўзбек шеъриятида тажрибадан ўтган, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Хўжандийнинг “Латофатнома”, Юсуф Амирийнинг “Даҳнома”, Қубнинг “Хусрав ва Ширин”, Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврӯз” достонларида қўлланилган ёқимли ва мусикий ҳазажи мусаддаси маҳзуз ва ҳазажи мусаддаси маҳсур ўлчовлари асосида яратилган. “Шоир бу икки вазннинг оҳанг яратиш имкониятларидан баракали фойдаланган ҳолда асар қаҳрамонларининг рангоранг кечинмалари, ижодий меҳнат ва жанг манзаралари, пейзаж ва портретлар тасвирининг юксак бадиий ифодасига эришди”<sup>2</sup>. Умуман олганда, ўзбек эпик поэзиясида мазкур вазннинг ilk бор қўлланиши Хоразмий номи билан боғлиқ. Унинг 1353–1354 йилларда яратилган “Муҳаббатнома” достони шу вазнда яратилган.

Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достон 1484 йилда яратилган. Достон 54 боб, 5782 байтдан иборат бўлиб, шундан 999 байтда радиф қўлланилган. Шундан ўн бир боб муқаддима, икки боб хотима, қолган қирқ бир боб достон воқеаларининг асосини ташкил этади. Муқаддиманинг дастлабки боблари ҳамд, наът ва бир қатор бағищловлардан иборат. Алишер Навоий кейинги бир неча бобларда эса достоннинг ёзилиш сабабларига батафсил тўхтаб, Низомий, Хусрав Дехлавий, Ашраф каби шоирларнинг “Хусрав ва Ширин” яратиш борасидаги тажрибаларини тилга олади. “Навоий “Ҳайрат ул-аброр”дан кейин “яна бир кон” қазишга – Фарҳод қиссанини яратишдек катта ижодий ишга киришганлигини айтади”<sup>3</sup>. Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонини иккинчи ном билан “Меҳнатнома” деб ҳам атайди:

*Заруратким солиб бир ўзгача тарҳ,  
Бу меҳнатномани қилгумдуур шарҳ.*

<sup>1</sup> Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. 1-kitob. Darslik. – Т.: Tamaddun, 2019. – 101-b.

<sup>2</sup> Ҳожиахмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: ФАН, 2006. – 209 б.

<sup>3</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Фан, 1977. – 235 б.

Достоннинг асосий воқеалари 12 бобдан бошланади. Воқеалар ривожида Чин хоқонининг фарзандсизлиги, унинг изтироблари акс этади. “Шоирнинг мақсади “ишқ дардини” куйлаш эканлиги муқаддималардаёқ аён бўлади”<sup>4</sup>. Ниҳоят, Чин хоқонининг илтижолари ижобат бўлиб, фарзандли бўлади. Навоий туғилган гўдакнинг исмига ҳам маъно юклайди:

Анга фарзо/на Фарҳод ис/м(и) қўйди,  
V — — —/V — — —/ V — —  
Хуруфи маъ/хазин беш қис/м(и) қўйди.  
V — — —/ V — — —/ V — —  
Фироқу раш/ку ҳажру ох/ или дард,  
V — — —/V — — —/ V — ~  
Бирор ҳар-ф+иб/тидодин ай/лабон фард<sup>5</sup>.  
V — — —/V — — —/ V — ~

Байтлар анъанага қўра ҳазажи мусаддаси маҳзуф ва ҳазажи мусаддаси мақсур ўлчовида битилган. Байтлар мазмунида Чин шохи жигарбандига “Фарҳод” деб исм қўйгани, қўйилган ном араб ёзувидаги ҳарфларга рамзий маъно бериб, уларни **фироқ**, **рашқ**, **ҳажр**, **оҳ**, **дард** деб талқин қилинганилиги ҳақида таъкидланади. Келтирилган байтлар мисралари **исм**, **қисм**, **дард**, **фард**... сингари қофияланганлигини кўрамиз. Эътибор берилса, байтларнинг бу шаклда қофияланиши қофиянинг ўзак таркибига қўра муқайяд (қайдли) турига киради. Аввало, “Фарҳод ва Ширин” достони мавзу ва ғоявий жиҳатдан соғ тасаввуфий маъно касб этадиган асар ҳисобланади. Навоий ўз достонида салафлар анъанасини давом эттирса ҳам, асар сюjetига бироз ўзгартиришлар киритиб ўтган. Масалан, достонда бош образ сифатида Хусравни эмас, Фарҳодни гавдалантиради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. 1-kitob. Darslik. – Т.: Tamaddun, 2019. – 101-b.
2. Ҳожиаҳмедов А. Навоий арузи нафосати. – Т.: ФАН, 2006. – 209 б.
3. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Фан, 1977. – 235 б.
4. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 8 том. – Т.: Фан, 1991. – 70-6.
5. Rakhmonova Sh.M. Masnavi (Couplet) – As the Basis of Event Poetry. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. Vol. 4. January, (2022). ISSN: 2795-7683. – P. 4–8.
6. Shukhratovich S. S. DIFFERENTIATED APPROACH TO THE TREATMENT OF INFLAMMATORY PERIODONTAL DISEASES IN PEOPLE WITH CHRONIC VIRAL HEPATITIS //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – Т. 5. – С. 172-175.
7. Shukhratovich S. S., Kamolovich S. D., Ziyodovich J. G. DENTAL DISEASES AND INFORMATION ABOUT THEM //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – Т. 5. – С. 181-185.
8. Sharipovna N. N., Shukhratovich S. S. MORPHO-FUNCTIONAL CHANGES IN PERIODONT TISSUES IN CHRONIC GENERALIZED PERIODONTITIS ASSOCIATED WITH CHRONIC VIRAL HEPATITIS B AND C //Frontline Medical Sciences and Pharmaceutical Journal. – 2022. – Т. 2. – №. 05. – С. 68-76.
9. Alijonovna A. G. PECULIARITIES OF STEFAN ZWEIG'S WORKS //Confrencea. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 91-94.
10. Alijonovna A. G. THE IMAGE OF THE NARRATOR IN ZWEIG'S NOVEL " STREET IN THE MOONLIGHT" //Confrencea. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 116-118.